2024-yil 22-oktabr, seshanba

№127 (5035)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни, она тилимизнинг барча ихлосмандларини бугунги улуғ айём – Ўзбек тили байрами ҳамда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Маълумки, миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойликдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синовли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди.

Бугунги кунда юртимизда давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузи ва мавқеини ошириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, 100 мингдан ортиқ географик объектнинг номи давлат реестрига киритилди, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди.

Янги пайдо бўлаётган замонавий тушунчаларга ном бериш, сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишни тизимли йўлга қўйиш учун Атамалар комиссиясининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди, бу борада аниқ илмий мезонлар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилдан эътиборан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилгани тегишли ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий жиҳатдан пухта тайёрланишига хизмат қилмоқда.

Раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий этилиб, қисқа вақт ичида 3 мингдан зиёд талабгорнинг қарийб 1 минг 500 нафарига давлат тилини билиш бўйича сертификатлар берилди.

Давлат тили асосларини чуқур ва атрофлича ўрганишни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан 58 номдаги қомус, луғат ва қўлланмалар кўп минг нусхаларда чоп этилди.

Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тилини рақамлаштириш борасида жиддий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекча матнларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган «ақлли» дастур ишлаб чиқилиб, «Ўзбек тили изоҳли луғати»нинг веб-сайти яратилди.

Айни пайтда ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш, уларни лотин ва кирилл ёзувига ўгириш ва сўзларнинг луғавий маъносини кўрсатишга мўлжалланган электрон дастурлар ҳам амалиётда фаол қўлланмоқда.

2025 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим мактабларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдорида ойлик устама ҳақ тўланиши она тилимиз фидойиларининг шарафли меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Барчамизга аёнки, бадиий таржима тил тараққиётида улкан аҳамиятга эга. Яқинда мамлакатимизда бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани ҳам, ишонамизки, ўзбек тили ва адабиётини янада бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлади.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ватанпарвар ўғил-қизларимизнинг салоҳияти ёрдамида «Википедия» халқаро интернет энциклопедиясидаги ўзбекча маълумотлар ҳажми кескин кўпайиб, давлат тилида эълон қилинаётган мақолалар ҳажми бўйича Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи мамлакатга айлангани эътиборлидир.

Ўтган даврда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида турли ташкилот ва идораларда меҳнат қилаётган 33 мингдан ортиқ ходим ўқитилди. Шунингдек, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган ватандошларимиз учун ушбу марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида бепул ўқув курслари йўлга қўйилди.

Шу ўринда бағрикенг диёримизда аҳил-иноқ яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларининг тили, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш бўйича ҳам муҳим ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, республикамиз мактабларида таълим-тарбия жараёни 7 та тилда йўлга қўйилган бўлиб, 160 га яқин миллий маданий марказ ҳамда қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларидаги оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда.

Марказий телерадиоканаллар орқали ўзбек тилини ўрганишга бағишланган кўрсатув ва эшиттиришларнинг мунтазам бериб борилаётгани юртимизда яшаётган бошқа миллат вакилларининг давлат тилини ўзлаштиришига катта ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар!

Ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш учун ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турибди.

Аввало, юксак тараққий этган демократик давлатларда бўлгани каби давлат тили бутун жамиятни, тили ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштиришга хизмат қилиши зарур. Бу борада ҳар қандай халқ учун ўта ҳассос ва таъсирчан бўлган тил масаласида ортиқча эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмасдан, узоқни ўйлаб, вазминлик билан иш тутиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Зеро, давлат тили фақатгина соҳа мутахассисларининг эмас, балки кўп миллатли бутун халқимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, ақл-заковати, маънавий-маърифий салоҳияти, ватанпарварлик фазилатлари билан равнақ топади.

Мамлакатимизда қонунга ҳурмат ва итоат муҳитини таъминлаш, жумладан, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни ҳаётимизга изчил татбиқ қилишда барчамиз юксак маданият ва ўзаро бир-бирини англаш туйғусини намоён этишимиз лозим.

Бу борада барча таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини оширишга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Телерадиоканаллар ва интернет сайтларида давлат тилини ўрганишга ёрдам берадиган дастурларнинг сони ва эфир вақтларини кўпайтириш, мустақил тил ўрганувчилар учун қўшимча адабиётлар, луғат ва қўлланмалар нашр этиш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Рақамли маконда давлат тилини кенг жорий этишга мўлжалланган ишларни янги босқичга кўтариш, ўзбек тилини ахборот технологиялари соҳасидаги йирик дастурлар тили қаторига киритиш чораларини кўриш ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзбек тилимизнинг бойлиги, куч-қудрати янада зиёда бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь куни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети – «Green University»да бўлди.

Давлатимиз раҳбари университет мутахассислари ва талабалари билан суҳбатлашди.

– Ҳозир экология худди рақамли технологиялардай долзарб. Келажакда ҳамма соҳа атроф-муҳит билан ҳамоҳанг бўлади. Шунинг учун бу ерда экологик иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ каби йўналишлар ташкил этилди. Энди дуал таълимни кенгайтириб, бу ердаги билимларни тезроқ жойларда татбиқ қилиш керак, **– деди Шавкат Мирзиёев.**

Мутасаддиларга экология соҳасида қуйи бўғин кадрларини тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоятда техникумлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида урғу берди.

– Булар шунчаки завод эмас, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалардан бири. Ер-сувларимизнинг яроқлилиги ҳам, аҳоли саломатлиги ҳам, ҳаво тозалиги-ю энергетика барқарорлиги ҳам шу соҳага боғлиқ. Чиқиндилар тўғри тўпланиб, кўпроқ қайта ишланса, экологик мувозанат яхшиланади, табиат тоза бўлади, жамият ўзгаради, – **дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.**

Шу боис мутасаддиларга бу лойиҳаларни намунавий қилиб, ҳудудларда кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

МИЛЛИЙ ТИЛ – ТЕНГСИЗ БОЙЛИК



ЎзА фотомухбири Аслиддин АЛИЖОНОВ олган сурат.

2024 йил 21 октябрь куни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбек тили байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси вакиллари, турли идора ва ташкилотлар, вазирликларнинг мутасаддилари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Иштирокчилар дастлаб сарой фойесида ташкил этилган она тилимизнинг нуфузи, ўзбек тилининг мавқеини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларни намойиш этувчи кўргазма билан танишди.


Тадбир аввалида давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Унда қайд этилганидек, миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойликдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синовли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди.

Анжуманга таниқли санъат усталари томонидан тайёрланган концерт дастури файз киритди.

Шу куни Ўзбек тили байрами муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, шунингдек, хорижда ҳам тадбирлар ўтказилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Статистика

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ: 9 ОЙДА 190,1 МИЛЛИОН НАФАР ЙЎЛОВЧИ ТАШИЛДИ

Статистика агентлиги 2024 йилнинг 9 ойи мобайнида Тошкент метросида қанча йўловчи ташилганини маълум қилди.

Унга кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Тошкент метрополитенида жами 190,1 миллион нафар йўловчи ташилган.

Ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 73,4 млн. нафар йўловчига кўпайган бўлиб, ўсиш суръати 162,9 фоизни ташкил этган.

Жамоатчилик назорати

Теримчилар сим қоқди

Бухоро вилояти, Олот туманининг «Баландмачит» МФЙ ҳудудидаги «Sobirjon Sa’dullaev» фермер хўжалигида пахта мавсуми бошидан бери 60 нафарга яқин теримчи ҳосилни йиғиб олиш билан банд. Октябрь ойи бошига қадар улар 70 тонна пахтани териб топширишган. Таассуфки, заҳматли меҳнат учун тўланадиган ҳақ иш берувчи томонидан кечиктирилган.

Бундан ташвишга тушган теримчилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Юридик клиникаси негизида ишга туширилган колл марказининг қисқа 1092 рақамларига қўнғироқ қилишди. Шундан сўнг юзага келган ҳолат касаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши томонидан ўрганилди. Аниқланишича, 3 октябрь ҳолатига кўра териб топширилган пахта пуллари 105 миллион сўмни ташкил этади.

Кенгаш мутахассислари масала юзасидан иш берувчи билан тушунтириш ишлари олиб боргач, теримчиларнинг иш ҳақлари тўлаб берилди.

Рустам НАСИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши бош мутахассиси



www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

Мурожаат ва натижа

«ҲАЙТ!» ДЕГАН – ТУЯГА МАДОР

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида яшовчи Гулнора Носирова 2021 – 2023 йилларда Тошкент шаҳридаги 1-сонли руҳий асаб касалликлари диспансерида шифокор бўлиб ишлаган. Аммо кейинчалик фаолиятида хатога йўл қўйгани сабабли, ўзининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

2024 йилнинг биринчи чорагида у ишлаган даври учун иш берувчи томонидан тўлаб берилган иш ҳақи ҳисоб-китобидан норози бўлиб, «Ишонч телефони»га мурожаат қилди. Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш бўйича комиссиядан ўзига ҳисобланган иш ҳақларини такроран ҳисоблаб берилишида амалий ёрдам сўради.

Мурожаатни меҳнат қонунчилиги бўйича ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳар кенгашининг масъул ходимлари 1-сонли руҳий асаб касалликлари диспансерида бўлишди. Г.Носированинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ иш ҳақи ҳужжатлари ўрганиб чиқилганда у йўл қўйган хатоси туфайли интизомий жазо сифатида жаримага тортилгани маълум бўлди. Шунда ҳисоб-китоб пулидан жарима маблағлари чегириб қолинган, аммо бу ҳақда ходимнинг ўзига тушунтирилмаган. Оқибатда ходим унга тўланган ҳисоб-китоб пулидан норози бўлиб, «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилган.

Комиссия вужудга келган вазиятни Гулнора Носировага тушунтирди. Шу билан бирга, ўрганиш жараёнида ходимга тўланиши керак бўлган 1 миллион сўмга яқин миқдордаги маблағ ҳам аниқланиб, мурожаатчига ундириб берилди.

* * *

Яна бир мурожаатчи Янгиҳаёт туманида яшовчи Жамила Юлдашева. У «Ёшлар дафтари»да турувчи набираси Хадича Қаҳрамон қизининг олий ўқув юртидаги таълими учун контракт-шартнома пулини тўлашда ёрдам сўраган.

Ишчи гуруҳ мурожаатни ўрганди. Маълум бўлишича, Хадича Қаҳрамон қизи Тошкент шаҳар 6-туғуруқ мажмуасида ҳамшира бўлиб ишлаб келмоқда. Шу боис қонунчилик талабидан келиб чиқиб, унга шартнома пулини тўлашда сўралган ёрдам рад этилди.

Қолаверса, Жамила Юлдашеванинг яна бир набираси Турсунова Мухлисага «Ёшлар жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 2023 йилда Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ 3 681 222 сўм маблағ контракт учун тўлаб берилганлиги ҳам аниқланди.

* * *

Янгиҳаёт туманида яшовчи Зулхумор Ибрагимова ҳам 2001 йилда туғилган қизи, ЮЖУ университетининг 3-босқич талабаси Лайло Икромованинг шартнома пулини тўлашда қийналиб қолганлиги боис, «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилган.

Ўзининг айтишича, у ёлғиз она, икки нафар фарзанди, қарамоғида ногирон онаси ҳам бор. Шу боис «Аёллар дафтари»да, қизи «Ёшлар дафтари»да рўйхатда туради. Опа ёшлар етакчисига мурожаат қилганида, унинг мурожаатини рад этишгани сабабли у «1211»га сим қоққан.

Ишчи гуруҳ мурожаатни ўрганиб чиққач, мазкур оилага ёрдам берилиши керак, деган хулосага келди ва амалий ҳаракатга ўтди. Янгиҳаёт тумани масъуллари билан олиб борилган музокара ва тушунтиришлардан сўнг Лайло Икромованинг ўқиши учун 5 млн. 200 минг сўм миқдоридаги шартнома пули тўлаб берилди.

Халқимизда «Ҳайт!» деган – туяга мадор» деган нақл бор. «Ишонч телефони»га сим қоқаётган юртдошларимиз ҳам тақдир тақозоси билан қийин вазиятга тушиб қолган, боқувчиси йўқ, ёлғиз она ёки оғир дардга чалинган инсонлар, опа-сингилларимиз. Бугун умид ва илинж билан қилаётган мурожаатларини тинглар экансиз, озгина туртки ва мадад уларнинг ишлари ўнгланиб кетишига сабаб бўлишини тушуниб етасиз. Шундай пайтларда уларнинг дардини тинглаётган «Ишонч телефони» жамоаси ҳам бор имкониятларини ишга солмоқда.

Юртдошларимизнинг турфа тақдирлари билан танишар эканмиз, айни пайтда бир-биримизнинг ҳаётимизга дахлдорлигимизни ҳам чуқурроқ англагандек бўламиз. Баъзида бир оғиз сўз, вақтида кўрсатилган озгина кўмак ҳам танишларимиз, юртдошларимизнинг ҳаёти ёруғ саҳифаси томон бурилишига сабаб бўлиши мумкин. Демак, ҳеч биримизнинг эътиборсиз бўлишга, эътиборсиз яшашга ҳақимиз йўқ.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Касаба уюшмаси аралашгач...

Конституциямизда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш лозимлиги, қонун олдида барча тенглиги қайд этилган. Қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда тегишли ҳужжатларда белгиланган кафолат ва имтиёзларнинг ходимларга нисбатан сўзсиз татбиқ этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда эса касаба уюшмаларининг ҳиссаси катта.

ХОДИМЛАР ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси хўжалик юритиши ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, санитария-гигиена ва аҳолига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Бу кенгаш инспекциясининг Тошкент шаҳар бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори Муҳиддин Содиқов соҳага оид қатор қарорлар ижроси ва меҳнат қонунчилигига риоя этилиши бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиши жараёнида яна бир бор исботини топди.

Бундан ташқари, пойтахтдаги 41 та тиббиёт муассасасида ўтказилган ўрганишлар чоғи улардан 15 тасида турли хато-камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Шунга кўра, иш берувчиларга ёзма кўрсатмалар киритилган ва 1960 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланган. 3214 нафар ходимга эса 1 миллиард 87 миллион сўмдан зиёдроқ миқдордаги иш ҳақи қарздорлиги ва меҳнат таътиллари бўйича тўланган пуллардаги фарқ ундириб берилган.

Эндиликда корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги муносабатлар Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида ўз ифодасини топган. Қолаверса, Бош қомусимизнинг 55-моддасида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунан тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги кафолатланган. Шунга биноан, ўтган вақт давомида тиббиёт ходимларидан коронавирус пандемияси даврида орттириб олинган Ковид-19 касаллиги учун бир йўла тўланадиган махсус тўловларни ва иш ҳақига боғлиқ фарқларни ундириш масаласида 23 та мурожаат келиб тушди. Улар асосида 21 та тиббиёт муассасасидаги ҳолат ўрганилиб, 1600 нафар ходимга 7 миллиард 888 миллион 764 минг 324 сўм миқдоридаги иш ҳақини ҳамда махсус тўловларни ундириб беришга эришилди. Шунингдек, 5174 нафар ходимга тегишли қарийб 8 миллиард 977 миллион сўм муаммоси суд орқали ижобий ҳал этилди. Инспекция ходимлар манфаатини кўзлаб, 18 марта фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда қатнашди.

Тиббиёт муассасаларидаги ишларни ўрганиш асносида соҳа ходимлари учун меҳнат қонунчилиги ҳамда «Коррупция ва одам савдосига қарши курашиш» мавзусида давра суҳбатлари ҳамда семинарлар уюштирилиб, тингловчилар зарур маълумотлар билан таништирилди.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»

Муаммо ва ечим

БИР ҚЎНҒИРОҚ САБАБ...

– Лаббай, сизни эшитамиз, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши 223-49-94 рақамли «Ишонч телефони»га бўлган қўнғироққа жавоб қайтарган мутахассис.

Қўнғироқ қилувчи ўзини Ғиждувон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси ходимаси М.Тилавова деб таништиради. Айтишича, 2023 йилнинг 4-чораги учун иш берувчи томонидан рағбатлантириш тўловлари тўлаб берилмаган. Касаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси Рустам Насимов ходима билан суҳбатлашиб, масалага ойдинлик киритди. Сўнгра зудлик билан муаммони ҳал этишга киришди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги низомга биноан ходимларни мукофотлаш умуман бошқарма бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилиши шарти билан йил чорагидаги иш якунлари бўйича амалга оширилиши лозим. Шунингдек, функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда бошқарма фаолияти натижаларига шахсий улуш қўшиш ходимларга мукофот ёзишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланиши, бунда бир ходим ҳисобига чораклик мукофот миқдори тармоқ тариф сеткаси бўйича унинг тариф ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Юқоридаги Низомнинг 22-бандига асосан бошқарма раҳбари ходимлар меҳнатини нормаллаштириш ва ходимларга тариф ставкалари белгиланиши тўғрилиги, устамалар ва қўшимча тўловлар ҳисоблаб чиқилганлиги, мукофотлар ёзилганлиги учун шахсан жавоб беради. Ўз навбатида, Меҳнат кодексига мувофиқ, иш берувчи иш ҳақини тўлашни кечиктиргани учун ходим олдида моддий жавобгар бўлади. Ана шуларни ўрганган ҳолда касаба уюшма масъуллари зарур чоралар кўриш учун Ғиждувон тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи М. Умаровга сим қоқди. Масалани баён этиб, унинг қонунга зид ҳаракатларини тушунтирди. Аниқ бўлдики, аслида бундай рағбатлантириш тўловлари фақат М.Тилавовага эмас, ташкилотнинг барча ишчи-ходимларига тўлаб берилмаган.

Бошқарма бошлиғига масалани ижобий ҳал этиш учун ёзма кўрсатма берилди. Бироз муддатдан сўнг ташкилотнинг беш юз нафардан ортиқ ходимига рағбатлантириш пуллари тўлаб берилди. «Ишонч телефони»га қилинган биргина қўнғироқ бутун жамоани қийнаган муаммога ечим топилишига сабабчи бўлди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Ҳуқуқ

Жаҳонгир Жўрабоев «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ Фарғона БХОда Ахборот технологиялари бўйича бош мутахассис лавозимида ишлаб келаётган эди. Аммо у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг буйруғи билан бекор қилинади.

ҚОНУНГА ЗИД БУЙРУҚ ҚИММАТГА ТУШДИ

Иш берувчининг бу хатти-ҳаракатидан норози бўлган Жаҳонгир Жўрабоев ҳуқуқий кўмак сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилади.

Ўрганишлар Ж.Жўрабоев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 160-моддаси талаблари қўпол равишда бузилганини кўрсатди. Музокаралар давомида иш берувчига ходимни бу тарзда ишдан бўшатиш қонунга зидлиги, уни ўз иш жойига тиклаш лозимлиги тушунтирилди. Аммо ўзаро муросага келинмагач, мазкур ҳолат судда кўриб чиқиладиган бўлди.

Судда «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ Фарғона БХО томонидан Жаҳонгир Жўрабоевни ишдан бўшатишда амалдаги қонун талаблари бузилганлиги ўз тасдиғини топди.

Шу боис бу ҳақдаги буйруқ ғайриқонуний деб топилиб, Ж.Жўрабоевни ишга тиклаш бўйича қарор чиқарилди. Боз устига, Ж.Жўрабоевга мажбурий бекор юрган кунлари учун 39 миллион 728 минг сўм иш ҳақи ва маънавий зарар учун 13 миллион сўм ундириб берилди.

Феруза АБДУЛЛАЖОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори



Ички туризм

ХОВОСТЕПАГА САЁҲАТ

– Воҳамизнинг тарихи шунчалар бойлигини билмас эканман. Гулистон шаҳридаги ўлкашунослик музейида бўлганимизда, янги-янги маълумотларга эга бўлдик. Бизнинг ҳудуддан терига ўралган қадимги қўлёзмалар, Сирдарё бўйларида Амир Темур бобомизнинг дарё тагидан нариги соҳилга элтувчи ерости йўллари топилиб ўрганилаётгани барчамизни беҳад қизиқтириб қўйди, – дейди таълим соҳаси фахрийси Ҳакимжон Исломбоев.

– Тўғри айтасиз, – ҳамсуҳбатининг сўзларини тасдиқлайди Каримқул Очилов. – Ёшим 62 да. Тез тиббий ёрдам марказида қоровул бўлиб ишлайман. Республикамиздаги, қўшни мамлакатлардаги айрим зиёратгоҳларга борганман. Аммо ўзимизда шундай қадимий қадамжолар борлигидан бехабар эканман.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши корхона, ташкилот ва муассасаларда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан нуронийлар, меҳнат фахрийлари, ишлаётган пенсионерлар, «Фахрийлар кенгаши» аъзолари учун «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида зиёратгоҳ ва қадамжоларга, музейлар ҳамда бунёдкорлик иншоотларига саёҳат ташкил этди. 30 кишидан иборат саёҳатчини Гулистон шаҳрида жойлашган Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи экспонатлари билан музей ходими Анорбой Норқулов батафсил таништирди. Икки ярим асрлик тарихга эга Ховостепа томон йўл олган сайёҳлар йўл-йўлакай Ховос ўлкашунослик музейида бўлишди. Экспонатлар ҳақида музей илмий ходими Дилфуза Қўшматова зарур маълумотларни берди. Ховостепадаги қадамжолар фахрийларда катта таассурот қолдирди.

– Касаба уюшмаларидан миннатдорман, – дейди Ширин шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Насиба Назарқулова. – 35 йилдан буён шаҳар тозалигига ўз ҳиссамни қўшиб келаман. «Чортоқ» санаторийсида дам олишни орзу ҳам қилмагандим, имкониятим бўлмаган. Аммо ўша ерда дам олдим. Мана, ўзимиздаги зиёратгоҳлардаман. Махсус ажратилган автоуловда сайр қилиб юрибмиз. Жамоамиздан уч киши келганмиз. Бу ҳам касаба уюшмаси ғамхўрлиги. Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директорининг ўзи бизга ҳамроҳлик қилиб ўлкамиз ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берган ҳам айни муддао бўлди. Саёҳатчилар «Янгиер» санаторийсидаги қулай шарт-шароитлар билан ҳам танишишди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Миннатдорлик

СЕВИМЛИ ЖАМОАМГА ҚАЙТДИМ!

Мен, Қориева Нозима Умаровна узоқ йиллар тиббиёт соҳасида шифокор сифатида фаолият олиб борганман. Айни вақтда Республика Тез тиббий ёрдам марказининг Наманган вилояти филиалида меҳнат қилмоқдаман. Фаолиятим давомида жуда кўплаб инсонлар шифо топишига, айрим ҳолларда уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлганимдан беҳад хурсандман.

Афсуски, 2024 йил 29 апрелда айрим сабабларга кўра иш берувчи томонидан менга нисбатан интизомий жазо сифатида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилди.

Бу адолатсизлик оқибатида ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчиликларни бошдан кечирдим. Адолат излаб, кўп идораларга бордим. Аммо натижа...

Ҳамкасбларимнинг маслаҳати билан Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси Аббосхон Мамадалиевга мурожаат қилдим. У кишининг топшириғига кўра, менинг ишим билан Меҳнат ҳуқуқ инспектори Абдурашид Режапов шуғуллана бошлади.

Абдурашид Реджапов суд жараёнида ўз касбининг устаси эканлигини намоён этди. Иш берувчи томонидан йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларини очиб ташлади, мени ишга тиклаш учун қатор қонуний асослар келтирди. Ёнимда шундай ҳимоячим борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Адолатли қарор билан ишимга тикландим. Менга 31 148 166 сўм мажбурий бекор юрган кунларим учун ва маънавий зарар учун тегишли миқдорда маблағ бериладиган бўлди. Натижада беш ой давомида тортган руҳий азобларим барҳам топди, жамоам ва оилам олдида юзим ёруғ бўлди.

Шу боис касаба уюшмаси ходимларининг ўз ишига садоқати, билим-салоҳияти, ходимлар манфаати йўлидаги жонкуярлиги учун ҳамкасбларим ва оилам номидан миннатдорлик билдираман. Уларнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилайман.

Нозима ҚОРИЕВА,
шифокор

СЎРАНГ, жавоб берамиз

ХОДИМНИ ТАЪТИЛДАН НЕЧА МАРТА ЧАҚИРИБ ОЛИШ МУМКИН?

САВОЛ: – Ишлаб чиқариш корхонасида механик бўлиб ишлайман. Март ойида таътилга чиқдим. Аммо кўп ўтмай, ускуна бузилиб қолгани важи билан мени чақириб олишди. Апрелда яна таътилга кетдим, лекин вазият тақозоси билан бу сафар ҳам чақириб олишди. Айни вақтда таътилнинг қолган қисми берилган. Менда яна чақириб қолишмасайди, деган хавотир бор. Умуман, ходимни таътилдан неча марта чақириб олиш мумкин? Бу бўйича қандайдир чекловлар борми?

Дилшод САЙРИДДИНОВ
Тошкент вилояти

ЖАВОБ: – Амалдаги қонун ҳужжатларида меҳнат таътилидан чақириб олишнинг сони кўрсатилмаган. Бунда қуйидаги учта муҳим шарт ҳисобга олиниши зарур:

1. Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади *(МК 232-м.)*.

Иш берувчи ишлаб чиқариш зарурати туфайли ўз ташаббусига кўра ходимни таътилдан чақириб олиши мумкин эмас. У ходимга таътилдан чақириб олишни таклиф қилиши мумкин, холос.

2. Таътилни қисмларга бўлишда унинг ҳеч бўлмаганда бир қисми ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаслиги лозим *(МК 231-м.)*. Масалан, ходимда давомийлиги йигирма бир календарь кундан иборат меҳнат таътили мавжуд. Уч кундан кейин ишлаб чиқариш зарурати туфайли уни таътилдан чақириб олишди. Таътилнинг қолган ўн саккиз календарь куни учун кейинроқ дам олишга чиққан. Бироқ тўрт кун ўтиб, у яна ишга чақириб олинган. Шу тариқа ходимнинг ҳисобида ўн тўрт кун қолди. Бундай вазиятда уни таътилдан чақириб олиш мумкин эмас. Чунки унда таътилнинг бўлинмайдиган қисми, яъни ўн тўрт календарь кун қолган.

Яна бир мисол. Ходимга йигирма беш календарь кун давомийликдаги 2 июнга қадар таътил расмийлаштирилган. Бироқ 10 июнь куни ушбу таътил учун берилган иш йили тугайди. Мазкур ҳолатда ходимни таътилдан чақириб олиш тўғри эмас, сабаби иш йили якунига қадар ходим ўн тўрт кунлик мажбурий таътилдан фойдаланишга улгурмайди (*МК 230-м. 2-қ.*).

3. Ноқулай меҳнат шароитларидаги *(МК 481-м.)* **ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун** *(МК 483-м.)* **ҳар йили қўшимча таътиллардан ушбу таътиллар берилган иш йили давомида қатъий равишда фойдаланилиши шарт.**

Фақат жорий иш йили мобайнида уларни қисмларга бўлиш мумкин. Ушбу таътилларни кейинги иш йилига кўчириш мумкин эмас.

Шунинг учун таркибига қўшимча таътиллар ҳам киритилган меҳнат таътилидан чақириб олинаётганда ходим улардан жорий иш йили давомида фойдаланиши лозимлигини унутманг. Ходим иш йили тугагунига қадар улардан фойдалана олиш-олмаслигини дарҳол ҳисоблаб кўринг.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, иложи борича таътилдан чақириб олишлар сонини чеклашни тавсия қиламиз. Чунки меҳнат таътили дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун берилади *(МК 216-м.)*.

Яна бир гап. «Ноёб мутахассис» – ҳар доим катта хавф, нима бўлишини аввалдан айтиш қийин. Шунинг учун бу битта штат бирлиги эмас, балки камида иккита бўлиши мақсадга мувофиқдир. Таътиллар жадвалини тузиш босқичида бекор туриб қолиш ва бошқа ишлаб чиқариш муаммоларининг олдини олиш учун ушбу ходимларнинг ўзаро алмашинувини назарда тутинг.

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

Долзарб мавзу

«ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИКДАН ЧАРЧАДИМ»


ёхуд непотизмнинг жамият тараққиётига таъсири хусусида

Насиба – оддий ҳамшира. Аммо ҳаракатларини кузатган киши бош шифокор бўлса керак, деб ўйлайди. «Билимли, ташкилотчи бўлса керак-да» дерсиз. Кошкийди... Аксинча, томчи дори юборишни ҳам билмайди.

Шундай бўлса-да, ҳеч ким унинг мушугига пишт демайди, боз устига, соясига салом берувчилар ҳам бор. Ахир, у шахсан Фалончи Пистончиевичнинг жиянлари. Раҳбар ҳам ноилож муросага боради. Аммо бу жиян шу саводсиз ҳолимга ишламасдан ойлигимни олиб юрибман-ку, деб шукур қилмайди. Ҳамма ишга бурнини тиқаверади. Ҳатто, кимнидир лавозимга тайинлашда у билан маслаҳатлашишни талаб қилади. «Тоғам айтди...» дейди вассалом. Шу тарзда бутун жамоани бармоғида ўйнатади.

Афсуски, Насибага ўхшаган жиянлар, холалар, аммаю тоғалар, амакиваччалар кўп идораларда учрайди. Нимагадир бизда жияну тоғаларнинг аксарияти мансабдор қариндошнинг обрўсини тўкмаслик учун бошқалардан яхшироқ ишлашдан кўра, унинг панасида кун кўришни яхши кўришади. Қариндошлик гўё суғурта полисидек, гўёки катта мансабни ўзи эгаллагандек тутади. Ваҳоланки, ўша қариндош уни яхши танимаслиги ҳам мумкин.

– Таниш-билишчиликдан чарчадим, – дейди нуфузли ташкилот раҳбарларидан бири. – Икки-уч нафар ходимнинг қариндошлари «каттакон». Биронтасига танбеҳ бергудек бўлсам, «тепа»дан қўнғироқ бўлади. Бу жамоадаги муҳитга таъсир қиляпти. «Яхшироқ иш топиб, кетиб қолсамми», деган ўйда юрибман.



Шу ўринда мулоҳаза юритамиз: ўша қўнғироқ қилаётган казо ундан кўра қариндошига виждонан ишлашни насиҳат қилса, танбеҳ берса тўғрироқ бўлмасмиди?! Шунда у жиянига кўпроқ яхшилик қилган бўларди.

Жамоада биттагина «эркатой» бўлса ҳам корхонанинг иш суръатига таъсир қилади. «Нега фалончи ялло қилиб юрибди? Унга мумкину, менга мумкин эмасми?» дегувчилар, албатта, топилади. Бошқа бирови эса «Нега фалончи ўйнаб юриб олган ойликни мен итдай ишлаб олишим керак?» дейди.

Бир неча хусусий корхоналар эгаси бўлган тадбиркорни танийман. Ўзи қимматбаҳо автомашинада юргани ҳолда, ўғли жамоат транспортидан фойдаланади. Ўғил олий маълумотли. Аммо отасининг заводларидан бирида оддий ишчи бўлиб ишлайди. Унга ҳамма ишчилар қатори муомала қилинади, ҳеч қандай имтиёзга эга эмас.

– Менга ўттиз-қирқ йиллик меҳнатларимни йўққа чиқарадиган меросхўр эмас, ишларимни ривожлантирадиган ворис керак, – дейди тадбиркор.

Бу фикр мушоҳадага ундайди: давлат секторидаги раҳбарлар ҳам шундай фикрлаганларида эди, жамиятимиз анча илдамлаган бўларди.

– Мени тасарруфимиздаги муассасада ўтказиладиган аттестация комиссиясига қўшишибди. Бир танноз қиз саволларга умуман жавоб беролмаса-да, кўпчилик қўллаб-қувватлади. Унга ёмон баҳо қўйиб, бошим балога қолди. Отаси раҳбар экан. «Ўша қиздан кечирим сўрамасанг, ишдан бўшайсан» дейишди, – нолинади бир танишим. У қизга ёмон баҳо қўйганидан эмас, кимлигини билмай қолганидан афсусда.

Тилга олаётганларимиз аслида непотизмнинг энг кичик кўринишлари. Аммо бу кичик кўринишлар оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Кўп хато қилишига қарамай, жазоланмайдиган, ўзи ҳам хатосини тўғрилашга ҳаракат қилмайдиган «эркатой»лар ўша идора ёки ташкилотнинг ботқоққа ботишига сабаб бўлмайдими? Уларни деб жамоада мувозанат бузилади, иш унумдорлиги пасаяди. «Эркатой» ўқитувчи бўлса, неча ўқувчилар билимсиз қолади. Шифокор бўлса, қанча инсонларнинг саломатлигига путур етказади. Раҳбар бўлса, етказадиган зарари янада катта.

Шундай экан, қайсидир «каттакон» қариндошлари ҳам жамиятда катта мавқега эга бўлишини истаса, ёшликдан унинг илм олишига, касбни пухта ўрганишига, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, сиёсий билимларини оширишга ёрдам берса, барчага бирдек наф келтирган бўларди.

Сиз нима дейсиз, азиз замондош?

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар...


NIGOH Ishonch 3
ГАП БЎЛИШИ... МУМКИН
ЭШОН Курт

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 19 октябрдаги сонида «Шифокорлар мақтовли, шароит эса...» номли мақола эълон қилинган эди. Мақола юзасидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қуйидагиларни маълум қилди:

ИШЧИ ГУРУҲ МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ БАТАФСИЛ ЎРГАНМОҚДА

Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Мирзо Улуғбек туманларида жойлашган «Ногиронлиги бўлган шахсларни Реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази» Вазирлар Маҳкамасининг 89-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлиб, 2006 йилдан буён фаолият олиб боради. Марказ 315 кишига мўлжалланган, йилига 5500 нафардан ортиқ фуқароларга реабилитация хизматлари кўрсатилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, реабилитацияга муҳтож уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган марказни реконструкция қилиш, қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маблағлар ажратилган.

Шунингдек, Марказда реконструкция ишларини олиб бориш мақсадида қурувчиларни танлаш шафоф электрон тендер асосида ўтказилмоқда.

Айни дамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ марказ фаолиятини батафсил ўрганаётганини маълум қиламиз. Вазият ҳақида қўшимча маълумотлар берилади.

@ijtimoiyhimoya_agentligi

Муқояса

ЎҚИТУВЧИ КИМ?


Кеча. *Бундан ўн йиллар аввал биз ўқитувчилар даланинг одами эдик. Куз фаслини пахта териш билан ўтказардик.*

Ҳамон ёдимда: бетоб бўлиб ётиб қолганимда «домла, далага чиқмасангиз бўлмайди», деб укол олиб ётган жойимдан пахта далисига олиб чиқиб кетишган эди. Яна бир ёмон томони, қаерда ҳашар бўлса, биз ўқитувчилар ободонлаштириш ишларига жалб этилардик. Боз устига, касб байрамимизни ҳам далада ўтказганимизни айтмайсизми?

Бугун. *Бугун ўқитувчига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Янги Ўзбекистонга хос ислоҳотлар сабаб ўқитувчиларнинг елкасига офтоб тегди, қўшимча жамоат топшириқларига жалб қилишга чек қўйилди, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, ўқитувчи шаъни ҳимояси ва қадр-қимматини ошириш бўйича ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди.*

Мен шундай ўйлайман. *Айтмоқчи бўлганимиз, ўқитувчилар эъзоз топмоқда, қадри юксалмоқда. Педагог ходимларни мажбурий меҳнат ва турли жамоатчилик ишларига жалб қилиш ҳолатларига чек қўйилгани чиндан ҳам бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Ҳар бир педагог ўз устида ишламоқда. Эътибор самараси ўлароқ, ёш авлодга билим бериш тобора яхшиланмоқда.*

Неъматжон ЖЎРАЕВ,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 19-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси



Таклиф

УЛАР УЧУН МАХСУС БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...


У тўрт ёш. Хаста. Даун синдромига чалинган. Хусусий боғчадаги кичик гуруҳлардан бирида ўзидан ёш болалар билан бирга тарбияланади. Даун синдроми билан хасталанганлар соғлом болалар қаторида юрса, бутунлай соғайиб кетиши мумкин. Шу умид билан ота-онаси уни бу ерга келтириб қўйишган.

Аммо янги тарбияланувчи қабул қилиниши керак бўлганида уни бошқа гуруҳга ўтказиб туришади. Чунки ота-оналарнинг аксарияти ўз фарзандлари бундай касалликка чалинган тарбияланувчи билан бир сафда юришини исташмайди.

Ана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ногирон болаларга атрофдагиларнинг ножоиз муносабати уларнинг ижтимоий ҳимоясининг бир қисмига дарз етказиши мумкин.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, бу каби болажонларни боғчада тарбиялашнинг янги йўлларини ўйлаб кўриш керак, деган фикрга келаман. Бунинг учун жойларда алоҳида эътиборга муҳтож, нуқсони ва ногиронлиги мавжуд болалар учун махсус мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш зарур, деб ўйлайман.

Бунда асосий мақсад ҳудудларда истиқомат қилувчи алоҳида эътиборга муҳтож болалар учун махсус коррекцион-ривожланиш муҳитини ташкил қилиш, уларнинг жамиятимизни тўлақонли аъзолари сифатида шаклланишини, ижтимоий мослашувини таъминлаш, ўз-ўзини англаш орқали иқтидорини ривожлантиришга қаратилади.



Хўш, бу орқали биз қандай натижаларни қўлга киритишимиз мумкин?

Аввало, эътиборга муҳтож ва ногирон болаларга бериладиган махсус, сифатли таълим, тарбия, даволаш муолажалари орқали уларнинг ҳуқуқлари кафолатланади. Ҳудудларда истиқомат қилувчи алоҳида эътиборга муҳтож нуқсони ва ногиронлиги мавжуд болаларни тарбиялаётган оилалар бандлиги таъминланиб, қўшимча фаолият билан шуғулланиш имкони пайдо бўлиши орқали даромадлари ошади. Боғчалар ташкил этилиши янги иш ўрни яратилишига асос ўлароқ, бандлик таъминланишини кафолатлайди.

Бунинг учун эса тарбияланувчиларнинг йўналиш (диагноз)лари бўйича қамровини ўрганиш, зарурий моддий-техника базалари бўйича маълумотларни ва кадрлар захирасини шакллантириш, молиявий манбаларни аниқлаш талаб этилади.

Ўйлайманки, инсон қадрини улуғлашга қаратилган жамиятимизда бу каби тадбирлар ўз самарасини беради, албатта.

Лола ЖЎРАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши бўлим мудири

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети касаба уюшма қўмитаси раиси Олимжон Худойназаровга отаси

Алиназар ХУДОЙНАЗАРОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

KO‘ZGU

2024-YIL 22-OKTABR,
SESHANBA
№ 127 (5035)

Шахсий фикр

ТУШУНЧАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Ўрганиб қолинган одатлар оғушида яшаш осонроқ. Худди ҳар куни юрган йўлимиздан қийналмай одимлагандай бемалол қадам ташлаймиз. Сўзлашувларимизга сингиб қолган баъзи сўзларни ҳам айрим ҳолларда ноўрин қўллаймиз. Улардан воз кечиш, кескинроқ сўзлайдиган инсонлар ибораси билан ифодаласак, қолипларни синдириш бироз қийин. Гоҳ дангасалик, гоҳ эҳтиёткорлик, яна нималардир халақит беради. Мен шитоб билан янгиланаётган, тобора ўзгараётган ҳаёт бағрида яшаётиб, бугун шу ҳақда ўйладим ва ўзгартириш керак бўлган баъзи тушунчалар тўғрисида фикрлашгим келди.

ЧИҚҚАН ҚИЗ ЧИҒИРИҚДАН ТАШҚАРИМИ?

Водийда ҳаётсевар, унча-мунча нарсани ўзига олавермайдиган, ўтаётган кунларидан қувонч ва файз топиб, суюниб юрадиган дугонамиз бор. Яқинда унинг қизи фожиали равишда ҳаётни тарк этди. Уни куёви пичоқлаб қўйибди. Бу совуқ хабарни эшитиб, юрагим «зирқ» этди...

Кўп ўтмай дугонам ижтимоий тармоқларда ушбу фожиа тафсилотларини батафсил ёзди. Набираси турмушга чиққанига ўн йил бўлган, фарзандлар кўрган экан. Бир аёлчалик рўзғорга уқувли, қўли ва кўзи тоза экан. Бироқ, шунга қарамай, конвой (маҳбуслар қўриқчиси) вазифасида ишловчи куёв уни уриб, хуморини ёзаркан. Қизи уйига неча марта кўзи кўкариб, манглайи ёрилиб келса-да, онаизор «Ўртада фарзандларинг бор, сабр қил. Нима бўлгандаям, дилбандларингнинг отаси, кўз очиб кўрганинг. Турмуш дегани шунақа бўлади. Ҳали болаларинг улғайиб, ёнингга кирса, кўрмагандек бўлиб кетасан», деб уйига жўнатиб юборар экан.

Фожиа арафасида ҳам шу ҳолат такрорланибди. Аёвсиз калтакланган аёлнинг қулоқ пардалари ёрилиб кетибди. Онаси унга «Майли, бир-икки кун ўтира тур, даволан», дея яна эски насиҳатларини такрорлабди. Тез орада куёв пайдо бўлибди. Хотинига «Тезда болаларни олиб олдимга туш!» деб ўдағайлабди. Жони оғриб турган аёл нимадир дегандир, шовқин кўтарилибди. Она уйдан чиқиб, эр-хотиннинг орасига тушибди. Кўзи қонга тўлган куёв қўйнига пичоқ солиб келган экан, уни аввал қайнонасига, сўнг хотинига бир неча бор санчибди. Қайнона ўша куниёқ омонатини топширибди, қизи эса ҳали ҳам касалхонада ҳаёт учун олишиб ётган экан.

Фарзандидан жудо бўлган, айрилиқ ўтида куйиб ёнаётган дугонам чекаётган афсуснинг чеки йўқ:

– Мен ўз оламимда яшаб юраверган эканман. Қизим шўрлик «Ўзбекчиликда ота уйига қайтиб келган қизни ёмон олишади. Фарзандлари улғайгач, қизини узатиши ҳам қийин кечади. Онаси оилани муқаддас билмаган экан, қизи қанақа бўларди», деган иснодга қолади, деб йиғлаб келган боласининг кўкрагидан итараверибди. Алдаб-сулдаб ўша жаҳолат уясига жўнатаверибди...

Ростдан ҳам оила – муқаддас. Фарзандларни имкон қадар етим қилмаслик керак. Сабр ҳам, қаноат ҳам даркор. Аммо бу даражагача эмас. Сабрни ҳам «дод» деб юборадиган ҳолатгача олиб бормаслик керак.

Дугонамнинг раҳматли қизи, хазон бўлган дилбандининг гапларини жуда кўп оналар бот-бот айтади. «Ўзбекчилигимизда чиққан қиз чиғириқдан ташқари. Энди уйимга сиғмайсан, акаларинг, келинойиларинг олдида уяламан», дейди. Баъзида бу гапга оға-ини, ота ҳам қўшилади. Куёв бўлмишми, қайнонами, бошқами бу паст келишни тўғри тушунса-ку, хўп-хўп, борди-ю, «Мана, ўзиникилар нима қилди, орқасида ҳеч кими йўқ», деб баттар қутурса-чи... Фожиалар болалаб кетмайдими?..

Рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликка йўл очадиган бундай ҳолат зинҳор ўзбекчилик эмас. Бунга «ўзбек» деган ботинию зоҳирида ғурур, номус, меҳр бор сўзни аралаштириб, қадрини тўкмаслигимиз керак.

БУ - ЎЗБЕКЧИЛИК ЭМАС

Воқеалар воқеаларни етаклаб келади. Буниси фожиа эмас-ку-я....

Биз хориждан юртимизга, хонадонимизга меҳмон келишига ўрганиб қолдик. Уларни суюниб қаршилаймиз, бор бўлса, боримизни тутиб, йўқ бўлса, йўндириб бўлса-да, бекаму кўст кутиб олишга ҳаракат қиламиз. Ана шундай меҳмондорчиликларнинг бирида бурч юзасидан қатнашдим. Қуюқ, суюқлару ширинлик билан чой ичишлардан сўнг меҳмонлар қўзғалди. Хонадон эгаси катта бир қутида совға кўтариб чиқди. Очиб кўрсатди. Чиройли ишланган сопол буюмлар. Меҳмонларнинг хоними қўлига олиб томоша қилди:

– Жуда гўзал. Лекин олиб кета олмаймиз. Юкимиз кўпайиб кетди. Бу буюмлар ҳам оғир, – деди. Қайта-қайта миннатдорлик билдирди ўз тилида.

Таржимон гапларини сўзма сўз ўгириб турган бўлса-да, мезбон «Ўзбекчиликда қутлуғ уйдан қуруқ чиқилмайди», деб оёқ тираб туриб олди. Зўрлаб тиқиштиргандек қилиб, қўлларига тутқазиб қўйди.

Меҳмонларни кузатганимиздан сўнг ўн-ўн беш дақиқалар ўтгач, қўшни аёл «Манови қути сизларники, шекилли, ҳали уйларингдан кўтариб чиқишаётган эди», деб кириб қолди. Мезбоннинг ловиллашини кўрсангиз. Мен «Балки, буюмларни олиб, идишини ташлаб кетгандир», деган ўйда қутини очдим. Йўқ, буюмлар жойида турибди.

– Уларда айб йўқ, узрларини айтишди, сиз қулоқ солмадингиз, – дедим.

– Ўзбекчилик..., – дея яна нимадир дейишга чоғланаётган эди, тутақиб кетдим.

– Бу – ўзбекчилик эмас, қадрни ерга уриш, – деб юбордим.

Ҳа, дўстлар, ўзимизникилару бегоналар олдида «Ўзбек» деган сўзнинг қадрини туширманг.

СОДДАЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА...

Дилимни оғритган, аниқроғи, жаҳлимни қистатган яна бир воқеани айтмасам бўлмайди. Вилоятлардан келиб пойтахтда таксичилик қилиб юрганлар талайгина. Ораларида бизнинг танишларимиз ҳам бор. Яқинда улардан бири кечқурун уйимга бўшашиб кириб келди.

– Э опа, мени боплаб кетишди...

Табиийки, қандай «бопланган»ни билгим келди.

– Бир йигит йўлимни тўсди. Кўриниши тўппа-тузук. «Ака, хотиним ТошМИда, яқинда операциядан чиқди. Шуни шифохонадан олиб, аэропортгача элтиб қўйишимиз керак», деди. Ўзи тушликка чиқаман, деб турган-дим. Самолётда юрадиганлар бўлса, яхшигина йўлкира берса керак, деб олиб кетдим. Айтган жойига элтдим. Машинадан тушаётиб. «Ака, пулим пластик картамда эди, хотиним дори учун ҳамхонасидан қарз олган экан. Озроқ пул бериб туринг, ҳали ҳаммасини бир йўла бераман йўл ҳақига қўшиб», деди. Дарров бердим. Икки-уч қадам юриб, изига қайтди.

– Ака, аксига олиб, телефонимнинг қуввати тугаб қолибди. Аэропортга бизни кутиб олишга одам чиқиши керак. Ҳозир қўнғироқ қилиб қўймасам, узоқдан келишади, улгуришмайди, – деди.

Яқинда ўғлим туғилган кунимга совға қилган телефонни бердим.

– Шу ерда телефон қила қолинг, ҳам демабман. У одам ичкарига кириб кетди. Роса кутдим. Ярим соат, бир соат, на телефон бор, на пул...

– Шу қадар ҳам содда бўласизми, – десам, танишимиз «Ўзбекчилик-да, ишонувчанмиз», деди синиқ табассум билан.

Йўқ, кимлардир бир ишорадан бутун дунё кайфиятини билиб турган шундай замонларда бундай алданиш соддалик ҳам, ўзбекчилик ҳам эмас, айнан лақмаликнинг ўзидир. «Ўзбек» сўзининг обрўсини кетказмаганимиз маъқул.

ЙИГИТЧИЛИК - МАРДЛИК, ЖАСОРАТ ДЕГАНИ

Худди шундай, ҳуда-беҳуда ишлатиладиган «йигитчилик» деган тушунча ҳам бор. Бир муносабат билан кафега бешолти ҳамкасб йиғилиб, ширингина давра қуриб ўтирибмиз. Ёнимиздаги столда сулувгина икки қиз. Ярашиқли кийинишган. Кўпдан буён кўришишмаган яқин дугоналарга ўхшайди. Секингина шивирлашиб суҳбатлашишарди. Узоқроқда жойлашган столдан бир йигит келди. Юз-кўзлари қип-қизариб кетганидан аҳволи маълум. Келиб қизларга тегажоқлик қила бошлади. Улар аввалига яхши муомала қилишди.

– Ака, жойингизга бориб ўтиринг, – дейишди.

Аммо йигит шилқимлигини қўймади. Қўллари ҳам югура бошлаган эди, қизларнинг бири ўрнидан туриб сумкаси билан бошига солди. Биз ҳам аралашдик.

Бирпасда кафе ходимлари, йигитнинг шериклари ҳам келишди.

– Йигитчилик-да, энди, айбга қўшмайсизлар, – узрини айтган бўлди ўртоқларидан бири.

– Йигитчилик – мардлик, жасорат дегани. Эр бўлиб, эл юкини кўтаради, дегани. Сингланси тенги қизга кўз олайтиришнинг йигитчиликка мутлақо алоқаси йўқ. Бунинг оти бошқа, – дедик биз.

Бир пайтлар жамоатчилик асосида судьяга маслаҳатчилик қилганман. Ҳарбийдан қайтиб келган йигит қўшнисининг уйида ҳеч ким йўқ пайтда унинг қизига тажовуз қилмоқчи бўлган. Яхшиямки, итининг вовуллашидан бошқа қўшниси хавотирланиб югуриб чиққан. Шу зайл қизгина бошига тушиши мумкин бўлган бебахтликдан асраб қолинган. Ҳиссиётларини жиловлай олмаган йигит эса судланган. Шунда ҳимоячи:

– Йигитчиликда бўлиб туради. Бунга энди у қадар катта аҳамият бериш шарт эмас, – деганда судья (Рустам Акбаров исм-шарифли, жуда ҳалол, кўп китоб ўқийдиган адолатли инсон эди раҳматли) жаҳли чиқиб, койиб берган эди.

– Бир қизнинг номусини асраб қолган бўлса экан, йигитчилик қилган десак. Лоақал кекса кампирга кудуқдан икки пақир сув олиб келиб бериб, оғирини енгил қилган бўлса экан, ишини йигитчиликка йўйсак. Бешармлик, уятсизлик қачондан буён йигитга сифат бўладиган бўлди? – деган гапларни айтиб, роса тузлаган эди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳа, азизлар. Ҳар бир миллатга хос сўзларда ўша миллатнинг руҳи яшайди. Феъл-атвори сингиган бўлади. Демак, сўзларни билиб ишлатганимиз, ўз руҳиятидан узоққа олиб кетмаганимиз яхши. Ота-она, устоз, юрту халқ олдида бурчдор бўлганимиздек, миллат сифатидаги белгиларимиздан бири бўлмиш сўз ва тушунчалар олдида ҳам бурчдорлигимизни унутмаганимиз маъқул.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Уч авлод учрашуви

КЕКСАЛАР САБОҒИ – ҲАЁТ МАКТАБИ

Зомин туманидаги «Найман» тантаналар мажмуасида «Нуронийлар – ёшларимизнинг маънавий устози» мавзусида уч авлод учрашуви ўтказилди. Унга халқ хўжалигининг турли соҳаларида узоқ йиллар меҳнат қилган, бой ҳаётий тажрибалари билан ҳурмат-эътибор қозонган, давлат мукофотларига сазовор бўлган, ҳозир ҳам иш фаолиятини давом эттираётган нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилди.



– Илм-фан ривожи йўлидаги эришаётган ютуқларимда кекса авлод вакиллари, тажрибали педагогларнинг хизматини алоҳида эътироф этаман, – деди Самарқанд давлат архитектура институти профессори, академик Ўктам Ўсаров. – Мен таҳсил олган 1-мактабда Босим Хўжамқулов, Шукрулла Файзуллаев каби устозлар ўзларининг педагогик маҳоратлари билан қалбимда илм-фанга иштиёқ ва ҳавас уйғотишган. Улардан ўрганганларимдан талабаларга сабоқ беришда фойдаланиб келяпман. Айтмоқчиманки, бой тажрибага эга кекса авлод вакилларининг ҳаёт сабоғидан баҳраманд бўлган киши асло ютқазмайди.

Ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш, ўғил-қизларда китобга ҳавас уйғотишда ҳам нуронийларнинг ўрни катта. Бунга турли соҳаларда, кўрик-танловларда зафар қучаётган фарзандларимиз фаолияти мисол бўла олади.

– Абдуғаффор бобом ижодкор сифатида элга танилган, – деди 47-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Жасур Абдуғаффоров. – Шу боис оиламизда ҳамма китобхон. Бадиий асар ўқиш ва шеър ёд олишни у кишидан ўрганганман. 7-синфда «Ёш китобхон» танловининг республика босқичида 3-ўринни олганман. Бу йил бобомнинг ёрдамида 1-ўринни қўлга киритиш ҳаракатидаман.

Зомин туманида Жасур сингари иқтидорли ёшлар кўп. Улар орасида фан олимпиадаси ғолиблари, «Зулфия» мукофоти соҳибалари, халқаро танловлар совриндорлари бор. Масалан, тумандаги ихтисослашган мактаб-интернатда таҳсил олаётган 336 нафар ўқувчининг 126 нафари инглиз тилидан IE IELTS ва CEFR сертификатларига эга бўлса, 112 нафари чет тилини билиш даражасида B1, B2, C1 натижаларини қўлга киритган. Албатта, бундай ютуқларда уларга тўғри йўл кўрсатаётган, амалий маслаҳат ва рағбат уйғотаётган ота-оналарнинг ёрдами беқиёс.

– Бугунги тадбирда жамиятимиз ҳаётида локомотив вазифасини ўтаётган фахрийлар ёшлар билан юзма-юз бўлишди, – дейди «Нуроний» жамғармаси Зомин тумани бўлими раҳбари Ўрол Аққулов. – Бу ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш бўйича фойдали ташаббус ва ғояларни илгари суришига рағбат бўлади, албатта.

Учрашувда берилган тавсия ва рағбат ёшларимизни барча соҳаларда фидойилик кўрсатишга чорлайди. Жойларда ўтказилаётган бу каби тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам аслида шу.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
журналист

Огоҳлик

Юртимизда куз фасли. Дов-дарахтлар, ўт-ўланлар сарғайиб, қуримоқда. Бу вақтда кўча-кўйда, аҳоли хонадонларида фуқаролар томонидан хазонлар йиғиштирилиб, ёқиб юбориш ҳолатлари учраб туради.

ХАЗОННИ ЁҚМАНГ!

Бу эса ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўғри келмайди. Шу билан бирга, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўлади. Хазон ёқилганда ажралиб чиқадиган моддалар инсон саломатлигига ҳам зарар етказади (1 тонна хазон ёқилганда 30 килограмм CO ва бошқа зарарли моддалар ҳосил бўлади). Унинг тутуни атмосферадаги кислород миқдорини камайтириб, бундай ҳаводан нафас олган инсонларда кўпгина оғир турдаги касалликлар келиб чиқади.

Аҳоли пунктларида шох-шабба ёқиш жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддаси 3-қисмига асосан: фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача; мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Шу сабабдан ҳам жойларда, муассаса ва ташкилотлар ходимлари билан учрашувлар ўтказилиб, унда хазонларни ёқмаслик, балки йиғиштирилган хас-хашаклар ва тез ёнувчи чиқиндиларни махсус автомашиналарда белгиланган жойларга чиқариш ҳамда ҳамма вақт белгиланган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилишлари лозимлиги ҳақида тарғибот тадбирлари ўтказиб бормоқдамиз.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ,
Қарши тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими етакчи инспектори

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:00
Topshirildi – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 021 ta
Shundan:
7 139 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1011

1 2 3 4 5 6